

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2016 йил
17 сентябрь
ШАНБА
№ 76 (12920)

www.th.uz

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида шу йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Асосий тадбирлар дастури асосида пухта ҳозирлик кўрилатгани таъкидланди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 9 ва 14-моддаларига муво-

фик, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузилди.

Сайлов округлари рўйхати сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Шунингдек, мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1-Қорақалпоғистон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ёшлар маркази биноси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 23-уй.

Сайловчилар сони – 1 188 763 киши. Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

2-Андижон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Андижон вилояти касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шохқўчаси, 32-уй.

Сайловчилар сони – 1 984 247 киши. Андижон вилояти чегараси доирасида.

3-Бухоро сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Бухоро вилояти касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шохқўчаси, 3-уй.

Сайловчилар сони – 1 265 163 киши. Бухоро вилояти чегараси доирасида.

4-Жиззах сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Республика Маънавият тарғибот маркази Жиззах вилояти бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шохқўчаси, 70-уй.

Сайловчилар сони – 844 309 киши. Жиззах вилояти чегараси доирасида.

5-Навоий сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – “Фарҳод” маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шохқўчаси, 58-уй.

Сайловчилар сони – 641 380 киши. Навоий вилояти чегараси доирасида.

6-Наманган сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ёшлар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй.

Сайловчилар сони – 1 771 067 киши. Наманган вилояти чегараси доирасида.

7-Самарқанд сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 237-уй.

Сайловчилар сони – 2 373 738 киши. Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

Марказий сайлов комиссияси Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 15 сентябрь

□ Қонун кучга кирди



Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан бошлаб, аввало, ёшларга оид давлат сиёсати устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Мустақиллик даврида қабул қилинган илк ҳуқуқий ҳужжатлардан бири айнан “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонундир. Мазкур Қонун ўтган йиллар давомида навқирон авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ишларга дастуриламал бўлди, янги-янги қонун ва қонун-ости ҳужжатларига асос вазифасини бажарди.

ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙДИГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ОРЗУСИ

барча эзгу ниятларимизнинг марказида туради

Албатта, қабул қилинган янги Қонуннинг ҳуқуқий афзалликларини батафсил шарҳлаш соҳа мутахассисларига ҳавола. Аммо, мазкур муҳим, айтиш мумкин, тарихий ҳужжатнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтишни лозим деб билдик.

Биринчидан, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти имзолаган дастлабки Қонун, демаски, янги даврнинг илк ҳуқуқий ҳужжатларидан бири ёшларга доир эди. Мамлакат раҳбари изчиллик билан “Ўзбек модели”ни ҳаётга татбиқ этаркан, аввало, ёшларга суянди, таянди.

Ўтган йилларда бу йўл қанчалар ўзини оқлаганига тарих шохид, халқимиз гувоҳ.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг бугунги раҳбарияти ҳам, аввало, ёшларга оид давлат сиёсатига

доир Қонунни жорий этди. Бу жараёни теранроқ ифода этсак, ҳар қандай ҳолат ва шароитда ҳам давлат бундан кейин ҳам Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти тутган йўлни давом эттириб, ёшларга суянади ва таянади. Уларга қанот бўлади, елка тутади. Содда қилиб айтганда, давлатимизнинг бугунги раҳбарияти ҳам мамлакат ёшларига алоҳида эътибор қаратиб, мустақиллигимиз меъмор Исрол Каримовнинг ҳақиқий издоши ва маслакдоши эканини намоеъ этди.

Янги қабул қилинган Қонунни кўздан кечириш асосида, дастлаб, бир фикр кўнгилдан ўтади: юртимизда ёшларга оид сиёсат кеча, бугун ва эртадан иборат яхлит бир ҳодисани қамраб олишга, шу аснода, навқирон авлод тарбиясини ташкил

этишга қаратилган эди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Яна бир муҳим жиҳат шуки, мазкур Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи давлат ва нодавлат ташкилотларининг ваколатлари, имкониятлари, ҳуқуқ-мажбуриятлари аниқ-равшан белгилаб берилган.

Ўз навбатида, ўтган вақт давомида бу борада олиб борилган ишларнинг салмоғи, кўлами, энг муҳими, ижобий натижалари юқорида қайд этилган, мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунларида қабул қилинган Қонун ҳаётимизда нақадар улкан аҳамият касб этганидан далолат, албатта.

Тараққиёт қархи мудом ҳаракатда экан, жамият ва унинг тартиботлари ҳам янгилашиб, умумсаёравий ўзгариш-у эврилишларга

ҳамоҳанглик касб этиб бориши зарур. Дастлабки Қонун қабул қилинганидан буён орадан қарийб 25 йил вақт ўтди. Табиийки, бу даврда Ўзбекистонимиз ҳар жиҳатдан оёққа турди. Ислохотчилик, муайян масалалар бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш борасида бебаҳо тажриба тўпланди, ижро механизми, тизими янада мукамаллашди. Бошқа томондан, ҳаётимизда қатор ўзгаришлар содир бўлди ва у, аввало, ёшларимизга муайян таъсир кўрсата бошлади. Жумладан, ахборот алмашуви жадал тараққий этди, интернет ва юқори технологиялар асри бошланди, уяли телефонлар-у компьютерлар турмушимизнинг таркибий, ажралмас қисмига айланди. Хуллас, маиший ҳаётда ҳам, ёшлар фикратида ҳам улкан ўзгаришлар кечди.

Шу нуктаи назардан, айни янги даврнинг эҳтиёж ва талаблари тўлиқ қамраб олинган, вазифалар аниқ-тиниқ белгиланган, давлат манфаатларини кўзда тутувчи ҳуқуқий ҳужжатга зарурат этилган эди. 2016 йил 14 сентябрда эълон қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қўл қўйиб, кўзда тутилган ўзгариш ва янгилашларни, бу борадаги ислохотлар стратегиясини тафаккур қилиб, келгусида ҳам Биринчи Президентимиз бошлаб берган йўл изчиллик билан давом эттирилиши, яқин йилларда Ўзбекистон ёшлари бундан да юксакроқ марраларни забт этишлари учун муҳим ҳуқуқий асос, замин тайёрланганини уқасиз.

Давоми 2-бетда. ➡

□ Тадбиркорликка кенг йўл

Тошкент вилоятида қурилиши тугалланмаган ва бўш турган иншоотлардан самарали фойдаланиш, улар таркибида ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали кичик бизнесни ри-

вожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Бекобод шаҳрида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

КИЧИК БИЗНЕС: ИМКОНИЯТ ВА САМАРА

Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик халқимиз учун барқарор даромад манбаларини шакллантириш омилларидан бири бўлди. Мамлакатимизда тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинаётгани соҳа ривожини кенг йўл очди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исрол Каримовнинг 2014 йил 3 июлдаги “Давлат мулк объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур қарор ижроси доирасида ўтган давр мобайнида танлов асосида инвестиция қиритиш ва янги иш ўринлари яра-

тиш шарти билан “ноль” қийматда белгиланган 13 давлат активидан 11 таси тадбиркорларга берилди, – дейди Бекобод шаҳар ҳокимлиги бўлим бош-лиги Даврон Янгибоев. – Бунда тадбиркорларга қўйиладиган асосий талаб – ушбу иншоотга белгиланган муддатда инвестиция қиритиш, замонавий технология келтириб ўрнатиш, реконструкция ишлари ёки бошқа моддий бойликларни қиритиш натижасида қўшимча иш ўринлари яратишдан иборат.

Жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес субъектлари учун шаҳардаги тижорат банклари томонидан 53 миллиард сўмдан ортиқ, яъни белгиланган режадан икки баравар кўп кредит ажратилган ҳам соҳа ривожига

қаратилаётган эътиборнинг яна бир тасдиғидир. Бу борада олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилди. Аҳамият-лиси, меҳнат шартномасини имзолаганларнинг 600 дан зиёди касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди “Зулфия бону чевар” хусусий корхонаси раҳбари Ўғил Мирзажон-нова. – Мен ҳам мана шу имкониятлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқдаман. 2007 йил 2 касаначи билан кўрпашушак тикиб, ички бозор-га чиқарган эдик. Иш-мизни йилдан-йилга ри-

вожлантириб, ўтган йили ҳудуддаги қаровсиз бинолардан бирини “ноль” қийматда олдик. 300 миллион сўм миқдоридан инвестиция йўналтирилди. Бунда 52 миллион сўм миқдоридан тижорат банки кредит маблағидан фойдаландик. Ҳозирча 26 минг долларлик маҳсулот экспорт қилдик.

Бекобод шаҳрида рўйхатга олинган 972 тадбиркорлик субъектининг 800 га яқини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида фаолият олиб боради. Уларда шаҳардаги иш билан банд аҳолининг 60 фоизга яқини меҳнат қилаётгани алоҳида аҳамиятга молик.

И. АВВАЛБОВ,
Ў.А. мухбири.



Янгилик-
лар, ха-
барлар,
таҳлилий-
танқидий
мақолалар
билан
интернет-
даги ман-
зилимиз
www.th.uz
сайтида
ҳам тани-
шишингиз
мумкин.

Энди масалага кенгрок назар ташлаган ҳолда, янги Қонун қабул қилинишининг зарурати ҳақида фикр юритамиз. Маълумки, айни пайтга келиб, мамлакатлар, халқлар ўртасидаги ўзаро моддий ва маънавий алоқалар, бошқача айтганда, глобаллашув шу қадар кучайиб кетдики, эндиликда мазкур жараёни назорат қилиш мумкин бўлмай қолди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: бу ҳодисани таҳлил этишда қандай мезонларга суянган маъқул, умуман, уни ижобий ва салбий томонлари айнан нималарда яққол намоён бўлади? Бундай мураккаб вазиятда ёшларнинг ахлоқий тарбиясини юксалтириш орқали уларга миллий қадриятларимизга асосланган янги замон тафаккурини сингдириш қандай кечади?

Даставвал, Япония тажрибасига тўхталиб ўтайлик. Бу мамлакатда тарбиянинг ғоят самарали ва таъсирчан усули ишлаб чиқилган. Уни амалга ошириш учун таянч нуқта сифатида умумий ўрта таълим мактаблари танланган. Чунки, мактабда бола билим олишдан ташқари, шахс сифатида ҳам шаклланади. Кунчиқар мамлакатда фуқаро тарбияси "ахлоқий тарбия" тизими доирасида амалга оширилади.

Тизимнинг номлинишига эътибор беринг – "Характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим", "Давлат учун мақбул ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган фаолият", "Фуқаролик ахлоқи асосларини тарбиялаш". Аслида бу тизим миллиятни тарбиялаш вазифасини ўтайди.

Ундан қудратли мафкуравий таъсир воситаси сифатида ҳам фойдаланилади. "Ахлоқий тарбия" усулига кўра, Японияда фуқаролар меҳнат интизомининг бузилиши шунчаки салбий иллат ҳисобланмайди, балки Ватанга ҳиёнат, деб қабул қилинади.

Ҳўш, бизда бу масалаларнинг ҳуқуқий ва маънавий мезонлари, меъёрлари мав-

жудми? Биз бу саволга бариалла: "Ҳа", деб жавоб бера оламиз. Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ қилинган ривожланишнинг "ўзбек модели" мазмун-моҳияти, мақсади ҳам янгича фикрлайдиган, кучли ва билимли авлодни шакллантиришдан иборатдир.

Эътибор берадиган бўлсак, бизда "Фуқаро тарбияси" деган алоҳида, махсус бир таълим механизми ёки тарбия т-

га эътибор қаратмоқчимиз. Аслида глобаллашувдан ҳадиксираш, саросимага тушиб қолиш керак эмас. Аксинча, бу жараёнга руҳан тайёр турган ҳолда ёшлар тарбиясини миллий-маънавий қадриятлар асосида ташкил этиш зарур. Лекин, масаланинг бошқа бир томони ҳам бор: психологик нуқтаи назардан бола етилиш жараёнида яширин ва номаълум ахлоқий ривожланишнинг бир неча босқичини бошидан ке-

лалар боғчаси биноларида "Бўри билан кўзичоқ", "Қизил қалпоқча", "Бўғирсоқ" сингари эртақ қаҳрамонларнинг сурати туради? Йўқ, бу ўринда мазкур эртақлардан бирон бир иллат ахтармоқчи эмасмиз, фақат ўзимизнинг "Зумрад ва Қиммат", "Кенжа бонтир"ларни кўргимиз келади, холос. Ахир, ахлоқий тарбияни соф миллий характерда бўлиши учун жон куйдириш вақти аллақачон келган-ку! Болалар ўйинчоқларини ҳам

ний фикрлаш кўникмаси ривож топиши шубҳасиз. Лекин, афсуски, ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Гоҳида биз учун жозибали, қизиқарли кўринган нарсалар моҳиятан кишини манкуртлаштиришга, фикрлаш дангасалигини уйғотишга хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун, ҳар қандай нарса ва ҳодисанинг асл қиёфасини англаш лаёқатида эга бўлган навқирон авлод тарбиясига бугун эҳтиёж катта.

Шу ўринда Республикаимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов айтган қуйидаги сўзларни ёдга олиш кифоя: "Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, унинг-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир". Ўйлаб кўрилса, ушбу фикрлар негизда жуда улуг, эзгу орзулар буй кўрсатиб турибди...

Умумабашарий маданият ва ахлоқий қадриятлар инсоннинг онгу шуурини нурафшон этади, қалбини поқлайди, миллат тафаккурини юксалтиради. Бироқ, вайронкор ғояларнинг бир даста гул ичида ўткир ханжар янглиғ яшириниб туриши глобаллашувнинг салбий жиҳатлари ҳам борлигини эслатиб туради. Четдан келатган мафкуравий хуружлар глобаллашувнинг илиқ, ёқилиш шабадасини даҳшатли бўрон-у довулга айлантириб юборишининг олдини олиш учун барчамиз яқдил, бир ёқадан бош чиқариб курашмоғимиз шарт ва зарур.

Қабул қилинган янги Қонун бизга, аввало, шуни ўқтиради...

Бехзод ҚОБУЛОВ.

ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙДИГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ОРЗУСИ



зими йўқ. Лекин, бу вазифа ўз ҳолига ташлаб қўйилган, дегани эмас. Аксинча, ахлоқий тарбия борасида Ўзбекистонда мулаққот янгича, айни пайтда, анъана ва қадриятларга асосланган тизим ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ахлоқий тарбиясига катта эътибор қаратилади, у асосан икки йўналишда, яъни, биринчидан, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида, иккинчидан, миллий истиқлол ғоясини сингдириш воситасида амалга оширилмоқда. Ҳар икки йўналишда ҳам ислохотлар изчиллиги таъмин этилгани боис, улкан ютуқлар қўлга киритилди ва киритилмоқда.

Лекин, мавзу тақозосига кўра, глобаллашув жараёнида ёшлар ахлоқи муаммоси-

чиради. Хусусан, шартсиз-ноанъанавий босқичда атрофдагиларни ўзига қаратишга интилиш, худбинлик ва индивидуализмга хос белгилар пайдо бўлади.

Бизнингча, глобаллашув жараёнида, аввало, мана шу жиҳатларга эътибор қаратилмоғи шарт. Шу ўринда бир таклифни илгари сурмоқчи эдик. Масалан, халқ таълими муассасалари ҳузурида мактабгача таълим масканлари фаолиятини кучайтириш кенгашлари тузилиб, бу соҳадаги ишларни жонлантириш керак. Бунда, биринчи навбатда, таълим муассасаси учун махсус метод асосида, олимлар, адблар, педагогларни жалб қилган ҳолда таълим тарбиянинг усул ва воситалари қайта кўриб чиқиши лозим. Ахир, қачонгача, бо-

йлаб кўриш зарур. Нега миллий қаҳрамонларимиз, миллийлигимиз акс этган ўйинчоқлар, кўғирчоқлар танқис? "Болалик – бу асли камолот", деб ёзган эди Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов. Шундай экан, баркамол авлод тарбиясига киришар эканмиз, ишни мана шундай, бир қарашда майда, аризмасдек туюладиган, аслида, жуда катта маънавий қувватга эга бўлган жиҳатларни қайта кўриб чиқишдан бошламоқ керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юксак маънавиятдан, у қайси халқ тафаккурининг маҳсули эканидан қатъи назар, баҳраманд бўлишни ҳар қайсимиз хоҳлаймиз. Маданияти юксак миллатларнинг маънавий хазинаси билан дунё-қарашимизни бойитсак, жаҳо-



ЭНГ ЯҚИН МАСЛАҚДОШ

Ангрен шаҳрида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмоқда.

Айни пайтда ҳудуддаги таълим муассасаларининг бошланғич ташкилотлари етакчилари аъзолар олдидан ҳисобот беришмоқда. Шу орқали уларнинг бир йиллик фаолияти танқидий-таҳлилий жиҳатдан ўрганилиб, амалга оширилган ишлар салмоғи кенг муҳокама қилинаётган. Хусусан, ёшларни Ҳаракат фаолиятига кенг қамраб олиш орқали мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий ислохотлардаги фаоллигини оширишда қўйи бўгин аъзоларининг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида вилоят Кенгаши аппарати бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими ходимлари иштирок этиб, зарурий тушунча ва тавсиялар беришмоқда.

Зухра АЛИЗОДА.

МАРКАЗДА ИККИТА БЕКАТ

Бунёдкорлик йўлидан дадил одимлаётган Бўка туманида шу кунларда иккита бекат ва маиший хизмат кўрсатиш уйи очилди.

Хусусан, йўл ҳаракатини тартибга солиш, аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида бошланган хайрли иш ниятига етказилди – ҳудудда "Марказий" бекат ишга тушди. Энг муҳими, туман марказини комплекс тарзда ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, туман марказида яна бир янги объект "Камолот" бекати ҳам аҳолига хизмат

кўрсата бошлади. Энди ортқича тирбандлик юзга келмайди. Бундан ташқари, "Марҳамат савдо-файз" маиший хизмат кўрсатиш уйи фойдаланишга топширилди. Аёллар, эркаклар сартарошхонаси, савдо мажмуасидан иборат мазкур иншоот ишга туширилиши тўғрисида ўндан ортқича ёшлар иш билан таъминланди.

Санд ЎРМОНЖОНОВ.

БИЛИМЛАР МАСКАНИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Бўстонлиқ туманида янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Имконияти чекланган, ногирон ўқувчилар таҳсил олаётган 125-мактаб янгитдан қурилиб, замонавий жиҳозланган бинога эга бўлди.

Қисқа муддатда олиб бориладиган қурилиш ишлари натижасида, мактаб биноси ва унга ёндаш ҳудудлар обо-

донлаштирилди, барча зарурий моддий-техник ашёлар билан тўлиқ таъминланди.

Ўз муҳбиримиз.

КЎРКАМ, ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ

Чиноз тумани марказида замонавий, ҳамма қўлайликларга эга янги мажмуа ишга тушди. Тадбиркор Баҳром Саидов томонидан бунёд этилган мажмуа таркибида гўзаллик саломи, сартарошхона, фотосалон ҳамда тўйхона мавжуд. Мазкур мажмуа истиқлолимизнинг 25 йиллик байрами арафасида туман аҳолисига совға бўлди.

– Мустақиллик ҳаётимизга файз ва фаровонлик бахш этди, – дейди Б. Саидов. – Бугун одамларимиз ҳашаматли тўйхоналарда тўқин дастурхонлар ёзиб, шодиёналар ўтказишмоқда, орзу-ҳавас кўришяпти.

Дарҳақиқат, қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, ша-

ҳардан қолишмайдиган турмуш тарзини яратиш бугунги кундаги энг долзарб вазифа. Бундан ташқари, бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самараси эса қишлоқ аҳолининг юзу кўзида акс этмоқда.

Суройё АҲМЕДОВА.

ИЛЛАТГА ЎРИН ЙЎҚ

Чирчиқ саноат коллежиди "Одам савдоси – давр муаммоси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда ҳудуддаги таълим муассасалари вакиллари, ички ишлар органлари ходимлари ва ёшлар иштирок этди.

Одам савдосига қарши курашиш йўлида оила ва таълим муассасаси ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш лар билан кириб келганда Мирюнус ва Комила-хонларнинг қалби гурур ва ифтихор туйғуларига тўлди.

Сайёра ЭШМАТОВА.
Даврон АҲМАД
олган сурат.

ружларидан болаларимизни асраб-авайлашдан ҳеч ким четда қолмаслиги зарур.

Тадбир давомида бу борада йўл қўйилган хато-камчиликлар атрофида таҳлил қилинди ҳамда келгусида амалга оширилаётган чоралар билан режаси ишлаб чиқилди.

Зулхумор НУРМАТОВА.

Семинар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш йўналишида кучайтириш чораларини тағйирлаш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан вилоятнинг барча туманлари, туманларнинг ижтимоий ёрдамчи ташкиллаштириш бўлими раҳбарлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ БЎЎНИ

Тадбирда сўз олганлар ёлғиз қарияларни 15 турдаги озиқ-овқат билан таъминлаш, сиҳаттоҳларда даволаниб келишларини ташкиллаштириш каби масалаларга тўхталишди. Шунингдек, Зангиота туманида бу борада амалга оширилаётган ишлар атрофида ўрганилди.

– Туманимизда 78 нафар ёлғиз қария бор. Улардан 19 нафарининг ҳеч ким йўқлиги сабабли ҳар ойда мунтазам 15 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бериб боришмоқда, – дейди Зангиота тумани табиёт бирлашмаси табибий ижтимоий ёрдамчи ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Раъно Утегенова. – Уларга 10 нафар ходимимиз хизмат кўрсатмоқда. Ёлғиз қарияларнинг саломатлиги доимий эътиборимизда.

Семинарда вилоятимизнинг бошқа туманларида ҳам амалга оширилаётган ишлар бўйича тажриба алмашилди.

Нодира РАҲИМОВА.

Шижоат

КЎЗГА АЙЛАНГАН КЎНГИЛ

Бўстонлиқнинг Искандар қишлоғида Мирюнус ва Комила Сахатовлар оиласини ҳурмат билан тилга олишди.

Бу хонадонда ўсиб-ўлғайган 4 қиз, 2 ўил ақлидроки, одоб-ахлоқи билан оғизга тушган. Яна улар олий маълумотли – Насиба, Ноила, Наима ўқитувчи, Нафиса талаба, кенжа фарзанд Шохруҳ миллий университетнинг тарих факультетиди ўқиш иштиёқида туну кун китоб титиш билан овера. У спортчи акиси – 25 ёшли Мироннинг иродаси, матонатига қойил қолади. Бу бежиз эмас.

Мирон тақдир тақозоси билан ёруғ олам неъматларини тўлақонли кўрол-масада, мактабни ҳам, Низомий номидаги педагогика университетини ҳам аъло баҳолар билан тугатди. Нафиса ҳам аксининг меҳрибонлиги, оқ-кўнгиллиги, оғир-вазмин-

лиги ҳақида гурур билан сўзлайди. Тақдир синовларини сабот билан енгиб келаётган Мирон Сахатовнинг қалби, айниқса, спортга, санъатга ошуфта. У Озодбоннинг қўшиқларини севиб тинглайди, яхши ижро этади. 2009 йилдан эса спортга қизиқиши туйғулари устози Анна Казаковага шоғирд тушди.

– Мирон энг қобилиятли, тиришқоқ шоғирдларимдан, – дейди А. Казакова. – Қисқа фурсатда унинг лаёқати мураббийларга маъқул бўлиб, 2010 йилда Лондонда бўлиб ўтган 14-ёзги Паралимпия мусобақаларида қатнашиш учун йўланма олди. У ерда муваффақиятли иштирок этиб, кучли ўликдан жой эгаллади. Шундан буён Осиё ва Жаҳон чемпионат-



ларида иштирок этиб келмоқда.

Мироннинг Рио-де-Жанейродаги Паралимпия ўйинларидаги ғалабаси эса, нафақат оиласи, устозлари, балки она Ватани – мустақил Ўзбекистон обрўси, шон-шухратини юксакларга қўтарди. У 400 метрга югуриш бўйича эстафета баҳсида 3-ўринни эгаллаб, бронза медалига сазовор бўлди.

Яхши хабарнинг қаноти

Тадбир

Зангиота туман прокуратураси ташаббуси билан "Энг намунали маҳалла тўғрисида" кўрик-танлови уюштирилди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

"Биз эрта турмушга қаршимиз" шiori остида ўтказилган танловда маҳаллалар қoшида ташкил этилган турли тўғарак аъзоларидан иборат 7 маҳалла жамоаси иштирок этиб, учта шарт бўйича беллашдилар. Эрта турмуш қуришнинг оқибатларини акс эттирган сахна кўриниши барчада яхши таассурот қолдирди.

Тўпланган балларга кўра, биринчи ўрин "Сортепа" маҳалласининг "Сортепа зеболари" жамоасига насиб этди. Ик-

кинчи ва учинчи ўринларни "Уратепа" ва "Қирайқ" маҳаллалари жамоалари қўлга киритди.

Тадбир давомида тўғарак аъзоларининг тикувчилик, тўқувчилик буюмлари кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, спортчи қизларнинг кўргазмали қишлоқлари тадбирига ўзгача файз бағишладилар.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Нозима АРСЛОНОВА.

ҚУДРАТЛИ БИР КУЧ БЎЛАМИЗ

Ҳозирги глобаллашув даври инсониятни огоҳликка даъват этапти. Айниқса, диний экстремизм, терроризм, наркомания балоси келажагимизга хавф солаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Агар огоҳ сен...

Маълумки, диний экстремистик оқимлар айни гуллаётган, тараққий этаётган давлат илдизига болта уриб, жамиятда парокандаликни урчиштиришга уринишда.

Бунинг учун улар, аввало, маънавий иммунитетни яхши шакллантириш инсонларни нишонга олишди.

Бунинг учун улар, аввало, маънавий иммунитетни яхши шакллантириш инсонларни нишонга олишди.

Замон шиддат билан ўзгараётган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан қудратлироқ бўлган бугунги даврда биз, ёшлар ҳам изланишдан, тафаккуримизни кенгайтириб, янги марраларни забт этишдан тўхтамаслигимиз керак. Ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлсак, қудратли бир кучга айланимиз ва бизни ҳеч ким, ҳеч қачон енга олмайд.

Мунира ГУЗАРОВА,
Олмалиқ кончилиқ касб-хунаро коллежи ўқувчиси.

□ Замондош билан юзма-юз

Ҳалима опани йўқлаб, у ишлайдиган Чирчиқ шаҳридаги 21-умумтаълим мактабига қадам қўяр эканмиз, рўпарамиздан 7-9 ёшли болакайлар югуриб ўтиб қолишди – катта танаффус экан. "Асса-

лону алайкум, ассалом алайкум, асса-лом..." Ўқувчиларнинг самимий нигоҳларига боқиб, болалик, мактаб чоғлари, меҳрибон ўқитувчиларимиз ёдга тушиб, бир энтикиб кўйдик.

КАТТА ТАНАФФУСДАН КИЧИК ҚАЙДЛАР

– Ваалайкум ассалом, болажонлар. Танаффусга чиқибсизларда... Ҳалима опани танийсизларми?

– Албатта таниймиз. Укам Ойбекнинг ўқитувчиси, – деди кўзлари ёниб Яҳёбек исмли бола. – Роса зўр ўқитувчи, ҳамма яхши кўради Ҳалима опани!

Шу беғубор икки оғиз сўз кўнглимизни яйратиб юборди. Демак, бекорга олис йўлдан излаб келмаган эканмиз.

Ҳалима... Исми-жисмига монанд юмшоққина, меҳри дарё аёл бўлса керак...

Ўқувчилар ортидан кузатиб турган бир ўқитувчи бизга пешвоз чиқар экан, кенгинга, саранжом-саришта мактаб айвонидан ичкарига таклиф этди. Эшигига 3-“б” синф деб ёзиб қўйилган хона олдида тўхтадик. Лекин, ўқувчилар чуғуллашиб муаллима опаларини бетиним саволга туттилар, ҳеч ким танаффусга шошилмас эди. Гўё асалга ёпишган арилар, дейсиз!

– Қани болажонлар, бир очик ҳавога чиқиб келингларчи, – деди ўқитувчи. – Кейин дарс бошлаймиз. Лекин, атрофни кузатиш ёдингиздан чиқмасин...

Ҳалима опа билан танишиб, мақсадибизни тушунтирар эканмиз. "Болажонлар ҳар бири мен учун бир олам, келинг, яхшиши дарсимизни кузатинг. Балки саволларингизга жавоб топарсиз", деди у.

– Ҳалима опа нафақат мактабимизда, балки шаҳар, вилоят миқёсида ҳам энг тажрибали ўқитувчилардан, – деди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича

ўринбосари Ойгул Маҳмадова. – Ахир, истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвонига сазовор бўлгани бежиз эмас-да. Опанинг дарслари ҳамма учун ҳамиша очик.

Ҳақиқатан ҳам суҳбатимиз тугамай, болажонлар бирин-кетин жойларига ўтиришди.

Ҳар бир саволга дон-дона жавоб бераётган ўқувчиларга боқиб, Ҳалима опанинг 48 йиллик меҳнатлари самараси кўз олдимизга келди. "Фарзанд ота-онанинг, ўқувчи ўқитувчининг юзи, обрўси бўлади", деган сўзлар ҳаёлимиздан ўтди. Дарс тугаб, болажонлар жисмоний тарбияга отланишди. Орастига синф бошлангач, суҳбатни давом эттирдик.

– Болажоним, тинчликми, нима бўлди? – деган саволга йиғламсираб: "Формамни тополмаяпман", деб жавоб берди. Уни бағрига босиб, юпатар экан, устози формасини бошқа жавондан топиб берди. Кўнғироқ чалиниб, дарслар бошлангач, суҳбатни давом эттирдик.

– Ҳалима опа ўқувчиларига онасидек меҳрибон, – деди О. Маҳмадова. – Болалари ҳам ўзаро аҳил ва оқибатли эканликлари билан бошқалардан ажралиб туришди.

– Лекин, оиладаги тарбиянинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди, – дейди муаллима. – Агар ота-она фарзандига ибрат бўлолмас экан, бундан нафақат мактаб, балки бутун жамият зарар кўради. Агар ўқувчи мактабдан ташқа-

ри дарсларни ўзлаштиришда қийналаётган бўлса, бунга уй вазифасини бажаришга ёрдамлашмайдиган, тушунтирмайдиган ота-она сабабчи. Натижада, уларга ҳам дарс ўтишга мажбур бўламиз. Аслида, ақлли, қобилиятли болалар кўп. Аммо, уларнинг айримларига таъкидлаганимиздек, зарур оилавий соғлом муҳит етишмайди.

Ҳалима опанинг айнан шу мактаб, шу синфхонада 36 йилдан буён дарс ўтаётганини алоҳида таъкидлаганимиз келди. Ўз касбига меҳр, бурчига садоқат шунчалик бўлар...

– Ҳозирги болалар ҳар томонлама иқтидорли, зийрак, зукко, – дейди у. – Уларга замон талаблари даражасида таълим-тарбия бера олиш учун ўқитувчи ўз устида тинимсиз ишлаши, замон билан ҳамнафас қадам ташлаши керак. Бунинг учун мактабимизда ша-роитлар етарли. Иккита кутубхонамизда ўқувчилар учун ҳам, ўқитувчилар малакасини ошириш учун ҳам зарур бўлган адабиётлар кўп...

– Мен мустақил Ўзбекистонимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов билан уч марта учрашганман, – дейди Ҳалима Мўминова. – 1998 йилнинг 5 декабрь куни ҳаётимда энг унутилмас воқеа рўй берди. Ўшанда Юртбошимиз ўз кўллари билан "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвони медалини тақиб қўйдилар. Бу менга сўнмас куч-қувват бағишлади. Умрим борича шу эъзоз, ардоқ ва ишонччи оқлашга аҳд қилганман...

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

УЎҚИТУВЧИ АЛЛАЛАР

Бувим раҳматлининг овозлари ширалигина бўлиб, халқ кўшиқларини жуда берилиб куйлардилар. Кўлларида чилдирмани олиб, юракдан куйлаганларида ҳар қандай одамни сел қилиб юборардилар.



Катта бўлиб қолганимга қарамай, бир куни бувимдан алла айтиб беришларини сўрадим. Шунда улар: "Ҳа, халқнинг ўзи она-да! Боласига нима ором беришинию, таъсир қилишини яхши билди", дедилар.

Ўшанда мен халқ қандай қилиб она бўлишинию, унинг боласи деб бувим кимни айтатганини тушунолмай, ҳайрон бўлган эдим. Эҳтимол, бу гаплар мағзини халигача тўлиқ тушунмасман...

Ҳеч шубҳасиз, неча аср-

лардан буён куйлаб келинаётган алла сеҳрига жо бўлган онаизор меҳри, орзу-умиди ва шукроналик ҳисси қақалоқ онига таъсир кўрсатиб, унинг инсон сифатида камол топишида катта аҳамият касб этади. Энг урф бўлган кўшиқ ёки бирор мусиқани хиргойи қилиб, жажжи юракни тинчлантириб бўлмайди. Аксинча, болажон баттар инжиқлик қилиб, йиғлайверади. Бироқ, онанинг юракдан берилиб айтатган алласини эшитган ҳар қан-

дай бола тинчланиб, ором олади. Демак, халқимиз бола руҳиятини шу қадар чуқур англагани, унга ором бағишлайдиган, тинчлантирадиган ва она меҳрини тўлиқ етказиб бера оладиган куйни топа олган.

Бу куй оҳангларида не-не дилбар шоирлар таъсирланмадилар. Кўнглимга яқин шоира Мақсуда Эргашева қаламига мансуб "Уйғон болам" деб номланган шеърда ана ўша кўна оҳангнинг замон эврилишларига нисбат бериб ёзилган янги талқинларини тинглагандек бўлам...

Алла айтай, ором тилаб,
бутун жаҳон ухласин,
Моторларга бошин қўйиб,
учкур замон ухласин.

Фақатгина сен ухлама,
сен ухлама жон болам,
Уйғон болам, уйғон болам,
уйғон болам, жон болам.

Лирик қаҳрамоннинг ўтинчи-илинжига эътибор қилинг: бешик боласига ухла, ором ол, дейишга бурчи бўлган муштипар она, айна замонда, "уйғон, ўзлигингни намоён қил" каби даъватларни айтишга ҳам ич-ичидан мажбурият сезади. Яна бир талқин шуки, она дилбандининг жисман ором олишини ти-

лайди, бироқ, қалбан ҳамиш уйғок бўлгин, дея зорланади.

Аслида ҳар бир она – ижодкор, ҳар бир она – санъаткор. Чунки, аксарият ҳолларда оналар аллани ёдлаб ёки кимдандир ўрганиб айтмайди. Фақатгина молларимиз неча минг асрлар аввал яратиб кетган алланинг оҳангига юрагидаги қайноқ меҳрини қўшиб, қалб ҳарорати билан куйлайди. Бу жараёни турлича аташлари мумкин, талқини таҳлиллар кўп, аммо, мен мурғак қалбимга бу азим дунёга адоқсиз меҳр, муҳаббат солган онаизоримни, унинг сокин оқшомларда, танча атрофида тебраниб-тебраниб айтган аллаларини ёдга оламан. Бунинг шарҳлашга неча марта уринганман, лекин қўлимдан келмаган, айтганларим эса қалбимдаги ҳароратга яқин йўламаган...

Алла айтай, жоним болам,
ухлаб қолгин, аллаё,
Кўзларингни юмиб бир зум
ором олгин, аллаё.
Сенда менинг бор орзуим,
умидларим, алла,
Кўзинг юмиб, тингла бир зум
ўғитларим, аллаё...
Меҳринисо ИМЕНБЕКОВА.

□ Кўргазма

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб, **рассомлар Дилмурод Йўлдошев, Абдуҳаким Каримов, Дилором Мамедова, Рустам Жамоловнинг "Менинг ўлкам" мавзусидаги асарларидан иборат кўргазма ташкил этилди.**

ПАРКЕНТДАН БЎСТОНЛИҚКА

Бу ижодий гуруҳ бир неча йилдан бери биргаликда ўлкамизнинг мафтункор табиати қийинда бўлиб, турли мавзуларда асарлар яратишмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзига хос услуб ва йўналишга эга.

Кўргазмадан ўрин олган ижод намуналарида юртимизнинг гўзал табиати, сервизор тоғ ва бепоён даштлари, шаҳар ва қишлоқларининг турли гўшалари, тарихга айланиб бораётган яси томли ва кичик ички ҳовли тош ва лойдан қурилган уйлар, турмуш тарзининг айрим қирралари акс этган.

Намоишга қўйилган рангтасвир асарлар орасида Д. Йўлдо-

шевнинг "Сўқоқ манзараси", "Оқтошда оқшом", "Хумсон", "Чимёнда оқшом", "Бурчмулла тераклари", А. Каримовнинг "Чимёнда тонг", "Сўқоқда ёз", "Бўстонлик", "Бурчмулла тонг", Д. Мамедовнинг "Оқтош манзараси", "Оқтошнинг юксак тоғлари", Р. Жамоловнинг "Оқтош геометрияси", "Бурчмулла", "Катта Чимён", "Паркент", "Сўқоқ кўчалари" каби асарлари, айниқса, маҳорат билан чизилган. Муаллифларнинг ижод намуналарида айрим ҳудудларнинг номлари бир хил бўлсада, уларнинг бир-бирга ўхшамаган турли қирралари тасвирланган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.




"ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН ОДАМЛАР"
Ихтирочи Жон Матени дунёдаги энг замонавий, ақл билан бошқариладиган протез қўлни ишлаб чиқди.

Жоннинг сунъий қўли жуда ҳаракатчан бўлиб, у билан кўп ишларни қила олади. Жумладан, ихтирочи бу қўл билан шиша идиш ва думалоқ буюмларни ушлаши, қозонга сув солиб, таом тайёрлаши мумкин.



ХАЛОСКОР ТЕЛЕФОН

Фан-техника асрида ҳаётимизни турли смартфонларсиз тасаввур қилиш мушкул. Инсоннинг беминнат ёрдамчисига айланган уяли телефонларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида ҳам турли фикрлар бор. Аммо, яқинда содир бўлган воқеага ўзингиз фикр билдириг.



Кейптаун шаҳрида (ЖАР) 41 ёшли Сираах Абрахам қарши 2 метр масофадан ўқ узилди, аммо уни чўнтагидаги смартфонни ўлимдан қутқариб қолди. Талончилар тўдаси эркакни автомобилдан чиқариб олмоқчи бўлишганига у қаршилиқ кўрсатади, шунда безори-лардан бири унинг кўксига қарата ўқ узади. Ўқнинг қучли зарбаси туфайли Абрахамнинг юраги бир неча сонияга тўхтади. Аммо, ўқ чўнтагидаги телефонга теккани сабаб, у омон қолди.

Воқеа жойига биринчилардан бўлиб жабрланувчининг қизи етиб келди ва отасини зудлик билан шифохонага олиб борди. Ҳозирда унинг аҳоли яхши. Мутахассислар эса металл қарқаси йўқлигига қарамай, ўқни тўсиб қолган гаджетнинг "жасорати"дан ҳайратдалар.

Ахир, "Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади" деб бежизга айтишмаган!

Ф. РАВШАНОВ тайёрлади.

□ Шанба муталааси

Хўш, улуг адиб ижодининг сири, сеҳру жозибаси нимада? Нега азоб, изтироб ҳақида беҳад аёвсиз ёзган адибни бунчалар яхши кўрамыз? Ахир, инсоният бахтга талпиниб яшайди, онгу руҳимизда тантанага, ҳушқақчақликка тўғма мойиллик бор-ку... Достоевскийда эса буюк азоб бор, инсон қалбини ағдар-тўнтар қилгулик тафтишлар бор. Мен куйида Достоевский ижодини ўзим билганим қадар, ўкиб-ўққанам қадар тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Аслида киши қалбида дилдорлик, олижаноблик ва романтика бўлиши шарт. Ҳа, романтика қалби гўзал инсонлардагина жўш уради. Том маънодаги романтик тасаввур соҳибларига дунёни, тош қотган тафаккурни ўзгартиришга қодир. Улар башариятнинг йўлчи юлдузи! Сарқашлик, девонабатиллик, ҳаёлар, растлик романтика эмас, асло! Романтика – тафаккур улуғлиги, мушоҳада кенглиги, ақлнинг ўткирлиги ва ўқтамлиги, юксак илмининг намоёни, буюк ижоднинг сабабчиси, гўзалликка ин-

тилиш, тасаввур бепоёнлиги... Мен бечора кампирни муҳтожлик ва алланечук худбинлик туфайли ўлдирган Раскольниковнинг табиатида айнан юқоридаги туйғуларни, хулосаларни кўрдим.

Бир файласуф айтган экан, ҳамма ўзининг бошига тушган муаммоларни энг

қаҳрамонлар шунчаки бадиий образ эмас, файласуфлардир. Айниқса, "Жиноят ва жазо", "Телба" романида қаҳрамонлари файласуфларча фикр юритадилар, ҳаётни фалсафий мезонлар билан таҳлил қиладилар. "Телба"ни илк бор ўқганимда телбаларча ҳаёллар кўршовидан чиқиб кетишим қийин бўлган. Ўта ҳақгўй, ин-

қада бир сезгини ҳис қилиб туради, ҳатто, энг яқин кишиларингиз ҳам бундан мустасно бўлмайди". Қандай дахшатли фикрлар. Бу жумлаларда ўз қалбингизни кўргандек бўласиз, нафрат қуюлиб келади. Яна бир оғир гап бор: "Жиноятчи жазодан қочиб қутулиши мумкин, лекин жазонинг муқаррарлиги туйғу-

нақда бир сезгини ҳис қилиб туради, ҳатто, энг яқин кишиларингиз ҳам бундан мустасно бўлмайди". Қандай дахшатли фикрлар. Бу жумлаларда ўз қалбингизни кўргандек бўласиз, нафрат қуюлиб келади. Яна бир оғир гап бор: "Жиноятчи жазодан қочиб қутулиши мумкин, лекин жазонинг муқаррарлиги туйғу-

ИНСОН ҚАЛБИНИНГ МУСАВВИРИ

Бир рус ёзувчиси ўз халқини икки тоифага ажратишини таъкидлайди: Ф. М. Достоевскийнинг "Ака-ука Карамзовлар" романини ўқиб, мағзини чаққалларга ва асарни ўқимаганларга. Адибнинг "Жиноят ва жазо"си ҳақида ҳам шундай фикрдаман...

катта фоҳиша, деб ўйларкан. Ҳақ гап. Кимга қарамай, ўз муаммоларини пеш қилиб, дахшатли синовлардан ўтаётган кишидек сўз очади. Аслида, ўлимдан дахшатлиси бўлмаса керак, қолган муаммолар майда ва хира. Ҳа, ўлим ҳақида ўйлаганда, жиноятларимиз кўз олдимизга келади. Гуноҳларимиз лип-лип ҳаёдан ўтади.

Улуг ёзувчи, инсон қалбининг мусаввири Ф. М. Достоевский асарларини севиб муталаа қиламан. У яратган

софли, тўғрисиқсиз одамни телбага чиқарган манфур қаҳрамонларни, айниқса, ўша "телба" князь Мишкинни ўйлаб, унга ачиниш йиғлаганман. Бир курсдошимнинг: "Бу китобни тайёргарликсиз ўқисанг, сен ҳам ўшандай телба бўлиб қоласан", деганига ҳам қарамай, романини ютоқиб ўқиганман. Комиллиқни телбалик деб қабул қилганларга ачиниш-ни ҳам қилишни ҳам билмай қолганман.

Ҳар гал ушбу асарни

ди, мени осонликча қўлга туширолмайдилар деган ишончда бўлади". "Киши бошига қутилмаганда бир бахтсизлик тушганда, ҳатто, унга жуда ақин бўлган одамларда ҳам бундан аллақандай қониқиб ва мамнунийлик ҳисси пайдо бўлади, ҳеч истисносиз барча одамларда шундай туйғу бўлади, киши чин юракдан ҳамдардлик ва ачиниш билдиради-ю, лекин ўзида, юрагининг ички бир қаватларида мана шу-

сидан қочиб қутуллолмайди". Бу ерда жиноят деган сўзга кенгрок ёндашиш керак. Достоевский қонунбузарликни эмас, умуман ҳар қандай қўринишдаги жиноятни назарда тутди. Қиссадан ҳисса шуки, қилган виждонсизликларимизнинг бари жиноятдир. Ўйлаб кўрайлик, илоҳсизлик, эҳтиёсизлик, гоҳида эса ахлоқсизлик туфайли гуноҳ қилиб, энди жазоимизни қўтиб яшамаяпмизми?

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Маънавийлик: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@umail.uz	Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59. Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета "Тошкент ҳақиқати" тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Нозаратчи мусаххих Кўмуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ
---	--	--	---	---	---